



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 сентябрь, № 185 (9080)

Шанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.



Мулоқот тафсилотлари ҳақида етакчимизнинг Матбуот хизмати хабар берди. Унга кўра, мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида АҚШ Президенти сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларни юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Президент Дональд Трампни АҚШ маъмурияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг улкан натижалари билан самимий табриклади. Америка томонининг халқро ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, глобал хавфсизлик ҳамда барқарорлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссаси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентини ва Қўшма Штатлар олий раҳбарияти ўртасидаги мулоқотлар мунтазам давом этиб келаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Дональд Трампнинг биринчи президентлик мuddати чоғида у билан Араб-

мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган 72-сессияси доирасида учрашган эди. Орадан кўп ўтмай икки давлат етакчилари телефон орқали мулоқот қилдилар.

2018 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга биринчи расмий ташрифи бўлиб ўтди ва стратегик шериклик алоқаларининг янги даврига асос солинди. Ташриф доирасида Президент Дональд Трамп, Давлат котиби, вазирлар, сенаторлар ва конгрессменлар билан учрашувлар ўтказилди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил кузидида АҚШга амалга оширган ташрифи ҳам катта туртки таъкидлади. Америка томонининг халқро ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, глобал хавфсизлик ҳамда барқарорлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссаси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентини ва Қўшма Штатлар олий раҳбарияти ўртасидаги мулоқотлар мунтазам давом этиб келаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Дональд Трампнинг биринчи президентлик мuddати чоғида у билан Араб-

юрди, Олий Мажлис вакилларининг турли вақтларда Қўшма Штатларга амалга оширган ташрифлари давомида америкалик ҳамкасблари билан самарали учрашувлар ўтказилди.

Бу сафарги телефон орқали мулоқотда ҳам икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Устувор тармоқларда бизнес кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва савдо битимлари ҳажмини тубдан ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўзаро савдо кўрсаткичларининг барқарор ўсиши кузатишмоқда. 2024 йилда товар айирбошлаш 15 фоизга ортиб, 882 миллион долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич яқин йилларда сезиларли даражада ошishi кутуляпти.

Истиқболли кооперация лойиҳалари портфели фуқаро авиацияси, муҳим минерал ресурслар, электротехника санаяти, энергетика, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия, инновациялар, таълим ва кўплаб бошқа йўналишларни қамраб олган.

Ўзбекистонда АҚШ капитали иштирокидаги 314 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи юз фоиз Америка капитали ҳисобига ишлайди. Таққослаш

учун: 2017 йилгача уларнинг сонини юзтадан бироз ошар эди. Ўтган йил якунилари бўйича эса Ўзбекистонда АҚШнинг 636 миллион долларлик инвестициялари ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда АҚШнинг "Air Products", "General Electric", "General Motors", "Hyatt", "John Deere", "Boeing", "Honeywell", "Coca-Cola", "Silverleaf" компаниялари фаол иш олиб борапти. Мамлакатимиз бозорига янги компанияларнинг кириб келишига Ўзбекистон Президентининг АҚШ бизнес вакиллари билан учрашувлари муҳим ўрин тутди. Бу мулоқотларда давлатимиз раҳбари инвестициявий лойиҳаларни кўриб чиқади, уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга топшириқлар беради.

Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига 2023 йил сентябрь ойида амалга оширган ташрифи ҳам бундай юзма-юз учрашувларга бой бўлган эди. Ўшанда Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Америка бизнес форуми якунида жами 11,2 миллиард долларлик битим ва келишувларга эришилди. "Citigroup", "CNH", "Boston Consulting Group", "GE Healthcare", "Orpenheimer", "Cerberus", "Sintana" ва бошқа йирик корпорациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди.

Бу сафарги телефон орқали мулоқотда шу ойда АҚШнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан узоқ муддатли ҳамда барқарор шериклик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида қатор икки томонлама учрашув ва музокара-лар ўтказилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, хавфсизлик соҳасида, энг аввало, терроризм, экстремизм ва ноконуний миграцияга қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Америка томони Ўзбекистоннинг бу йўналишлардаги муваффақиятларини доимий равишда таъкидлаб келади. АҚШ Давлат котиби қарорига кўра, Ўзбекистон 2020 йилдан бошлаб Диний эркинликлар соҳасида хавотир уйғотадиган мамлакатлар рўйхатидан чиқарилган. 2022 йилда "Cotton Campaign" ноҳукумат ташкилоти ташаббуси билан кирилган пахта хариди бўйича тақиқ олиб ташланган.

Ўша йилнинг ўзидида АҚШ Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланишига қарши саъй-ҳаракатларнинг сезиларли даражада кучайганини эътироф этди. Ўтган йили АҚШ Савдо ваколатхонаси интеллектуал мулк ҳимояси борасидаги барқарор ривожланиши ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонни қузатув остидаги мамлакатлар рўйхатидан чиқарди. Биз қарийб чорак аср бу рўйхатда турган эдик.

Муқаддам эришилган икки томонлама келишувлар доирасида 2025 йилнинг 30 апрель куни Нью-Йоркдан Тошкентга махсус чартер рейс амалга оширилиб, унда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатларнинг АҚШ ҳудудида ноконуний бўлиб турган ва депортация қилинадиганлар рўйхатига кирилган 92 нафар фуқароси Ватанига қайтарилди.

Бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот мавзуларидан яна бири — маданий-гуманитар йўналиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда Халқро таълим бўйича Америка кенгаши (ACIE) фаолияти тикланди. Тошкентда бўлиб ўтган "Education USA" минтақавий форумида АҚШнинг 65 та олий ўқув юрти иштирок этди. Ўз навбатида, бир қатор Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг ректорлари

ва проректорлари Халқро таълим администраторларининг Вашингтонда ўтказилган конференциясида қатнашди.

Давлат раҳбарларининг мулоқотида спорт мавзуси ҳам эътибордан четда қолмади. Келгуси йили АҚШда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор иштирок этиши мамнуният билан таъкидланди. АҚШ етакчиси футбол терма жамоамизга чин дилдан омад тилади.

Телефон мулоқоти чоғида давлат раҳбарлари долзарб халқро масалалар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари ва АҚШнинг "C5+1" шаклидаги минтақавий ҳамкорлигини чуқурлаштириш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбари Президент Дональд Трампни ўзи учун қулай муддатда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишга таклиф қилди.

Амалий ҳамкорлик бўйича лойиҳа ва дастурларни илгари суриш мақсадида олий даражадаги мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трампнинг телефон орқали мулоқоти очик, конструктив ва дўстона руҳда ўтди, дея хулоса қилади давлатимиз раҳбари Матбуот хизмати.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёнинг энг йирик иқтисодиётига ва кенг дипломатик ваколатхоналар тармоғига эга бўлган Қўшма Штатлар халқро муносабатлар ва глобал савдо тизимида муҳим роль ўйнайди. АҚШ билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кўп қиррали шериклик ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон миллий манфаатларига хизмат қилади.

Айни пайтда АҚШ олий раҳбариятининг расмий Тошкент билан алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган иштилоқи Янги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидида мавқеи ортиб бораётганидан, кўп векторли ташқи сиёсатимизнинг стратегик мақсадлари рўйбга чиқаётганидан дарак беради.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашув

ЎЗАРО ИШОНЧ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Венгрия Миллий ассамблеяси раиси ўринбосари Иштван Якаб бошчилигидаги Венгрия парламенти делегацияси билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилгани, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва ишончга асосланган ҳамкорлик ривожланаётгани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, қурилиш, фан-таълим, инновациялар ва туризм соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

5 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш куни аввалида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2024 йилда-

ги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, прокуратура органлари томонидан ҳисобот йилида ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағал-

САМИМИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Венгрия Миллий ассамблеяси раиси ўринбосари Иштван Якаб билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги муносабатларни, шу жумладан, парламентларо ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдизлар, яқин ҳамкорлик ришталари боғлаб туради. Сўнгги йилларда икки

давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, олий даражадаги учрашувлар туфайли Ўзбекистон — Венгрия ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб, барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда.



росини сўзсиз таъминлаш, энергия ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш, "яширин иқтисодиёт" шаклланишининг турли усул ва каналларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилган.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг 29 451 нафарига қонун устуворлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалий ёрдам кўрсатилган.

Прокурорларнинг суд процессларидаги иштироки, коррупцияга қарши курашиш борасида қўрилатган чоралар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.



Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

АДЛИЯ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев адлия тизимида давлат хизматларини кенгайтириш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда адлия фаолиятини янгилаш ташкил қилиш учун 70 га яқин қонун ва қарорлар қабул қилинди. Тизимни аҳолига яқинлаштириш учун 20 дан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди. Худудларда 202 та Давлат хизматлари маркази қурилди. Бугунги кунда 500 дан ортиқ давлат хизматлари "бир дарча" тамойили асосида кўрсатишмоқда. Илгари соатлаб, кўнаб қутилган маълумотлар ҳозир 5 — 10 дақиқада олинати.

Лекин бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик етарли эмаслиги бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда. 200 дан ортиқ давлат хизматлари ҳамон эскича усулда кўрсатиляпти. Чекка худудларда аҳолининг хизматлардан мустақил фойдаланиш имконияти чекланган.

Шу боис тақдимотда давлат хизматларини янада кўпайтириш ва осонлаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Режага кўра, келгуси уч йилда давлат хизматлари 900 тага етказилади. Йилига 80 та хизмат "3 қадам" тамойили асосида соддалаштирилади. Аҳоли гажум жойлар ва олис маҳаллаларда 1 минг 100 та интерактив киоск ўрнатилади.

Фуқаролардан 30 турдаги ҳужжатларни талаб этиш бекор қилинади. Хусусан, ФХДЭ органида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрик натижалари, мудофаа бўлиmlарида ҳарбий хизматга мажбурларнинг тураржой ўзгарганиги ҳақидаги ҳужжат сўралмайди, бу маълумотлар ахборот тизимлари орқали онлайн олинади.

Бугунги кунда нотариуслар одамларга 80 дан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатяпти. Лекин онлайн хизматлар улуши жуда кам — 11 фоиз.

Давлатимиз раҳбари рақамлаштириш орқали фуқароларга қулайликларни ошириш заруригини таъкидлади. 2025 — 2027 йилларда босқимча-босқич 20 та нотариал ҳаракат онлайн расмийлаштиришга ўтказилиши белгиланади.

Шунингдек, нотариал хизматлар кўрсатишда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини талаб қилиш бекор қилиниб, бунини "FACE-ID" орқали аниқлаш тартиби йўлга қўйилади.

Ҳадина Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида 64 турдаги экспертиза хизматлари ўтказиляпти. Лекин худудларда бунинг ярми ҳам йўқ.

Шунинг учун экспертиза бўйича янгича ёндашув қилиш, ҳудудий экспертиза марказларининг моддий-техника базасини яхшилаш, бу орқали улардаги экспертиза турларини қўшимча равишда 15 тадан 25 тагача кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Экспертизанинг янги турларини жорий этишда рақамли технологиялардан, инсон омили йўқ дастурлардан кенг фойдаланилади. Суриштирув, тергов органлари ва экспертиза муассасалари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви тўлиқ электрон шаклга ўтказилади. Автоҳалокат жойини "3D" моделлаштириш, видеотехника ва фототехника экспертизаси каби янги хизматлар татбиқ этилади.

Нодавлат суд экспертиза фаолиятини кенгайтириш, суд эксперти сифатида алоҳида биоро оған ҳолда мустақил иш юритишга рухсат бериш, Ўзбекистон Суд экспертлари палатасини ташкил этиш бўйича таклифлар маъқулланди.

Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам муҳим. Шу мақсадда "Ақли таригот" асосида аҳоли ва тадбиркорларга янги ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни манзилли тарзда, электрон тизимлар орқали етказиб бериш йўлга қўйилади. Қонунчиликни мутахассислар иштирокида содда тилда шарҳлаб борувчи "Adliya TV" интернет саҳифаси ишга таъкидланади.

Ислохотларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда мутахассисларнинг ташаббускорлиги, жавобгарлиги, масъулияти ва ваколатларини янада ошириш заруриги таъкидланди. Шу боис ўз соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар ҳузуридаги органларга ҳам идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати берилди.

Бундай ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари соддалаштирилади. Натижада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишининг ўртача муддати 2 баробарга қисқаради.

Тақдимот якунида мазкур таклифларни амалга ошириш бўйича Фармон ва қарорлар имзоланди.

Ў.А.

Анжуман

Кўҳна Бухорода санъат биеннаlesi бошланди

Истиқлол йилларида "Илпак ва зирворлар", "Зардўзлик ва заргарлик" каби йирик халқро фестиваллар меъзбони сифатида ҳам танилган Бухорода яна бир йирик маданий тадбир бошланди. Бу ерда санъат биеннаlesi ўтказилмоқда. Минтақамизда илк бор ташкил этилган, "Қалблар дардида дармон" деб номланган анжуман нафақат юртимиз турли гўшаларидан келган меҳмонлар, балки хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу ўринда биеннале сўзига изоҳ бериб ўтсак. У италянча сўз бўлиб, "икки йиллик" маъносини англатади. Бошқача айтганда, биеннале, бу — бадий кўргазма. Одатда, у икки йилда бир бор ташкил этилади. Дунёдаги энг машҳур шундай маданий тадбирлардан бири — Венеция биеннаlesi саналади. У 130 йилдан бунён ўтказилиб

келинмоқда. Биз кўриб оdatланган кўргазмалардан унинг фарқи томони шундаки, тадбир бир эмас, бир неча муаллифнинг ижодий ишларини намойиш этиш майдончасига айланади.

Айтиш жоизки, Бухоронинг биеннале ўтадиган эски шаҳар қисмида кенг қамровли ободончилик юмшлари амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Ўлмас БУРИБЕВ оловон сурат.

Сенаторлар томонидан прокуратура органларининг амалга оширган ижобий ишлари билан бир қаторда фаолиятнинг айрим йўналишларида назоратни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, аҳоли соғлигини сақлаш, репродуктив саломатлигини асраш, қолаверса, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида ўтказилган назорат тадбирлари етарли самара бермаганлиги, оналар ўлими сони Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ҳамда Хоразм вилоятларида ошганлиги танқид қилинди.

Жиноятчиликка қарши курашиш, мамлакатда қриминоген вазият барқарорлигини сақлаш, тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини юртишда ҳам камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.

Жумладан, содир этилган 67 мингдан ортиқ жиноятларнинг қариб 62 фоизининг олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ташкил қилган.

Бундай жиноятларнинг умумий жиноятчилик кўрсаткичидаги улуши Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 65 фоизга, Наманганда эса қариб 70 фоизга етган.

Сенаторлар прокуратура органлари томонидан соғлиқни сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлиқни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида назоратни янада кучайтириш бўйича тавсияларини берди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлисда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон ва Нуробод туманлари чегараларини ўзгариштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ушбу масала аҳолига муносиб яшаш шароитини яратиш, бунинг учун муҳандислик-коммуникация тизимларини, шунингдек, ижтимоий соҳа (мактаб, боғча, касалхона) объектларини бар-

по этиш, янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Каттақўрғон шаҳри Самарқанд вилоятининг географик нуқтаи назардан Шимолий-Фарбида жойлашган бўлиб, бугунги кунда шаҳар аҳолиси сони қариб 95 минг кишини, умумий ер майдони 4,4 минг гектарни ташкил этди.

Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати охириги 5 йилда ҳар йили ўртача 1,1 минг кишини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, Каттақўрғон шаҳрида доимий рўйхатдан ўтмаган 4 мингга яқин аҳоли ва талабалар истиқомат қилмоқда.

Аҳоли зичлиги 1 квадрат километр майдонга 9,5 кишига тўғри келиб, Самарқанд вилояти бўйича аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади.

Шу боис Сенат қарори лойиҳасида қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Жумладан, Каттақўрғон шаҳар ҳудудини кенгайтириш мақсадида унга чегарадош бўлган Каттақўрғон туманидан 1,9 минг гектар ва Нуробод туманидан 971 гектар, жами 2,9 минг гектар ер майдонини шаҳар таркибига ўтказиш, шунингдек, Нуробод туманининг Каттақўрғон тумани билан чегарадош бўлган ҳудудларидан 600 гектар ер майдонини Каттақўрғон туманига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Чегара ҳудудининг кенгайиши ҳисобига Каттақўрғон шаҳар аҳолиси сони 2030 йилга бориб 150 минг кишидан ошиши мумкин.

Шаҳар ҳудудининг кенгайиши натижасида Каттақўрғон ўрта шаҳарлар тоифасидан катта шаҳарлар тоифасига ўтказилиб, шаҳар аҳолиси учун қулай шароитлар яратиш, хусусан, янги инфратузилма объектлари ҳамда қўп қаватли тураржой комплекслари барпо этиш, урбанизация жараёнини тезлаштириш имкони яратилади.

Янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилади ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилади.

Хусусан, 50 гектар майдонда “Ургут” эркин иқтисодий зона энтисоди филиали, шунингдек, 30 гектарда 3 та кичик саноат зонаси ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

ЎЗАРО ИШОНЧ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Шунингдек, транспорт ва логистика тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўшма ташаббусларни амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорлик ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш имкониятлари кўриб чиқилди. Томонлар илмий муассасалар ўртасидаги шериклини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар ўртасида тажриба алмашиш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашувда парламентлараро алоқаларни кучайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилди. Қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги мунтазам мулоқот ва делегациялар алмашинуви давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончини мустаҳкамлашга ҳамда икки томонлама муносабатларни барқарор ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Иккала томон ҳам қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, қўшма лойиҳаларда иштирок этиш ва парламентлараро мулоқотни мазмунан бойитишдан манфаатдор эканини билдирди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Венгрия парламентлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадида парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятини фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

САМИМИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил май ойида Венгрияга таширифи мамлакатларимиз ўртасидаги қўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириб, икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Суҳбат давомида Қонунчилик палатаси Спикери меҳмонга янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолияти ҳақида маълумотлар берди.

Ўз навбатида, И. Якаб илиқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда мамлакатда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этди. Хусусан, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари халқаро дипломатия марказларига, йирик халқаро тадбирлар — форумлар, саммитлар ва анжуманлар ўтказиладиган масканга айлиниб бораётганини таъкидлади.

“Ўзбекистон — Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Биз мамлакатингизда амалга оширилаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бормиз. Барча соҳаларда, жумладан, парламентаризмда кечаётган жараёнлар эътиборимизни тортмоқда. Венгрия Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг кенг спектрида бирга ривожланишининг тарафдори ва бунга доимо тайёр”, деди И. Якаб.

Мулоқотда икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш, парламент дипломатияси салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш учун тегишли қўмиталар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозлари кўпайишига, адолатсизликлар юзасидан фуқароларнинг шикоятлари сони кескин ортишига сабаб бўлаётганлиги сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, парламент сўровида акс этган масалалар бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятига оид давлат дастурлари доирасида жорий йилда умумий қиймати 49,7 миллиард сўм бўлган 69 та, шу жумладан, 49 та амалий, 7 та инновацион, 1 та фундаментал, 12 та халқаро лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Жорий йил биринчи ярим йиллигида аграр соҳага оид илмий-тажриба ва экспериментал тадқиқотлар қўламини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини кўпайтириш мақсадида хонадонбай усулда 13 та илмий тадқиқот лойиҳаси амалга оширилган.

Республика бўйича 909 минг гектар сугориладиган ер майдонларига илмий-тадқиқот институтлари томонидан яратилган истиқболли ва янги гўза навлари экилган ҳамда вилоятларнинг илмий-тадқиқот станциялари ва уруғчилик тажриба ҳўжаликларига 70 дан ортиқ янги гўза навларининг бирламчи уруғчилик ишлари олиб боришмоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари томонидан 271 та нав (307 та дурагай) яратилган, шундан 107 таси Давлат реестрига киритилган, 99 таси ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 82,7 миллиард сўмлик 73 та лойиҳа натижалари тижоратлаштирилган.

Шу билан бирга, парламент сўровидаги айрим масалалар ҳамон долзарблигича қолаётгани қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилишнинг институционал асослари ҳамда соҳага доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Яратилган янги зот, нав ва дурагайларни амалиётга жорий этиш ҳамда илмий натижаларни тижоратлаштириш механизми самарали ташкил этилган.

Махсуслот этиштирувчи субъектларни яратилаётган янги илмий ишланмалар ҳамда инновациялар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш механизми йўлга қўйилган.

Ёш илмий ходимлар ва тадқиқотчиларга илмий ишланмалар яратиш, тажриба синовлари ўтказиш ҳамда жорий харажатлар учун етарли маблағ ажра-

тилмаётганлиги оқибатида кадрлар қўнимсизлиги юзага келган.

Сенаторлар томонидан янги замонавий биотехнологик ва молекуляр генетик таҳлилларни ўтказувчи ҳамда глобал иқлим ўзгариши билан шугullanувчи йўналишларга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тақдим этган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилиб, жамиятда коррупция иллатига нисбатан муросасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2024 йилда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилди. Уларнинг фаолиятида очиклиқни таъминлаш, жамоатчилик олдида ҳисобдорлиқни ошириш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди.

Соҳада давлат сиёсати изчиллигини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди, очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 35 тадан 40 тагача кенгайтирилди.

Шу билан бирга, муҳокамада сенаторлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги ҳам қайд этилди.

Хусусан, 2024 йилда республика бўйича судлар томонидан қўрилган жиноят ишлари таҳлили кўрсатганидек, Андижон, Тошкент, Наманган, Сирдарё вилоятларида коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат манфаатларига энг кўп зарар етказилган, коррупцияга оид жиноятлар сони Андижон, Наманган, Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ортган.

Коррупцияга оид жиноятлар учун судланган шахсларнинг аксарияти мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, тижорат банклари ҳамда бандлик тизими ходимларига тўғри келади.

Адлия вазирлиги томонидан 2024 йилда 2 мингдан ортиқ лойиҳаларнинг 222 тасида ёки 11 фоизидан 337 та коррупциявий омиллар аниқланган. Коррупциявий омилларнинг аксарияти Иқтисодиёт ва молия, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

ва иқлим ўзгариши, Қишлоқ ҳўжалиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари томонидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган.

Коррупцияга қарши экспертизага берилмаган лойиҳаларнинг кўпчилиги Инвестициялар, саноат ва савдо (6 та), Энергетика, Қишлоқ ҳўжалиги ҳамда Ташқи ишлар (5 тадан) вазирликлари ҳиссасига тўғри келади.

Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Муҳокама жараёнида Сенат аъзолари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, қатор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирилди. Хусусан:

- коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилган ҳолда жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилан;
- коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тизими бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини фаоллаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ички назорат тузилмалари ходимларига қўшимча вазифалар юклатилишининг олдини олиш;
- ички назорат тузилмалари томонидан назорат тадбирлари мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш, одоб-ахлоқ комиссияларининг фаолиятини кучайтириш.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг 10-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгариштирил киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг тегишли қарорига асосан Алишер Усмонов беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — судлов хайъати раиси лавозимига сайланди.

Иқром Муслимов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — судлов хайъати раиси лавозимидан, Нодира Ҳақимова Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — КЕЛАЖАККА ҒАМҲЎРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон келажаги бўлмиш ёшларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, комил инсон сифатида тарбиялаш масаласига бугунги кунларда ўзига хос тарзда, замонавий усуллар асосида ёндашилмоқда. Уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, имконият ва манфаатларини ҳимоя қилишда тақийлий-ҳуқуқий асослар замон билан ҳамнафас такомиллашиб бормоқда.

Фикр

Ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган. Шарқ Уйғониш даврида ҳам, жадидлар фаолиятида ёки жамиятнинг янгилинишида ҳам ёшларнинг ўрни беқийёс бўлган. Шу жиҳатдан, мунтазам шаклланиб боровучи бу қатламини доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туриш талаб этилади. Бу эса давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён қилиши учун мақбул шароит ва имконият яратиши ҳамда қўллаб-қувватлашини аналтади.

Бу тамойил Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасига таширифи кун тартибидан ҳам жой олди. Аникроғи, демократия, ҳуқуқ устуворлиги ва барқарор ривожланишда ёшларнинг иштироки ҳамда ўзаро шериклик масалаларига бағишланган “Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари доирасида ёшлар ҳамкорлиги” мавзuida секция ййғилиши ташкил этилди. Унда икки мамлакат парламенти вакиллари, Ёшлар

парламенти аъзолари, ёш тадбиркорлар, олимлар ва экспертлар қатнашди.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилаётганлиги ҳамкорлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Айтилганидек, мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш мақсадида Ёшлар парламенти фаолият кўрсатяпти. У ёш авлоднинг давлат бошқарувида бевоСИта қатнашишини таъминлаш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини қонунчиликка татбиқ этиш учун муҳим майдон ва-зифасини ўтамоқда.

Шунингдек, рақамли тенгликни таъминлаш, ёш хотин-қизларнинг IT ва сунъий интеллект соҳаларидаги етакчилигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг стартап ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган дастурлар амалга оширилаётгани ҳақида фикр юритилди. Бу борада Президентимиз томонидан

олиб борилаётган сиёсат ҳамда мамлакатимиз тажрибаси алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсатида доир тайёрланган видеоорлик ҳамда сунъий интеллект ёрдамида икки давлат тарихий шахсларига бағишланган қисқа метражли фильм намойиш қилинди. Хар иккала ролик беларусь ёшларидида катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, “Ҳамдўстлик болалари” ва “Хотира поезди” каби лойиҳалар ҳар икки давлат учун манфаатли бўлаётгани, бу орқали навқирон авлод ўзаро дўстлик ришталарини боғлаётгани, бундай лойиҳалар давом эттирилиши лозимлиги айтилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юрти-мизда ёш авлод учун яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар, уларнинг ўқиб-ўрганишлари, қизгин фаолият кўрсатишлари учун қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик дунё ҳамжамиятини ҳам ўзига жалб этмоқда. Уғил-қизларимиз эса, ўз навбатида, бунга жавобан Ватанимизни ҳар томонлама ривожланган, гўзал ва фаровон мамлакатга, учинчи Ренессанс диёбрга айлан-тиришда олдинги сафларда бўла-ди, деб ишонамиз.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

НУРОНИЙЛАРГА ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Ёши улуг инсонларни эъозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан биридир. Шу маънода, мамлакатимизда нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон faxрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг турли соҳалари — иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа йўналишларда кўп йиллар давомида самарали фаолият кўрсатган, ўз меҳнати, обрў-эътибори билан жамoadошлари, маҳалладошлари орасида ҳурмат-эҳтиромга эга бир гуруҳ замондошларимиз “Меҳнат faxрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

I ва II даражали “Меҳнат faxрийси” кўкрак нишони билан мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган қуйидаги юртдошларимиз ҳам бор:

I даражали		II даражали		
	Алтиев Абдурашид Султанович		Турсунов Кобул Бекназарович	
	Косимова Қизилгул Эрматовна		Компольшик Елена Александровна	

Юртимизда инсон қадрини улуғлашнинг ҳаётий ватандошларимизга Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга камарбаста бўлишда ҳеч қачон толмаслиқни, доим сиҳат-саломат бўлиб юришни тилаймиз.

«Халқ сўзи».

«Ташаббусли бюджет» — халқ овози, депутат масъулияти

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари томонидан муҳим ҳужжат — “Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатаси депутатларининг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини кучайтириш, шунингдек, ҳудудларда ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида ташаббусли бюджет механизмларини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ўз муносабатини билдирди.

Муносабат

Бахтиёр АРТИҚОВ, ЎзИДеп фракцияси аъзоси:

— Бугун депутат — халқ вакили сифатида янги имкониятларга эга бўлмоқда. Қарорга асосан, Қонунчилик палатаси депутатларига ўз сайлов округларидаги икки муҳим лойиҳани (хар мавсумда биттадан) “Очиқ бюджет” портали орқали танлаш ва ушбу лойиҳаларни республика бюджетни ҳисобидан молиялаштириш ҳуқуқи берилмоқда. Бу имконият нафақат бюджет сиёсатида очиклик ва шаффофликни таъминлайди, балки халқ вакилларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси учун депутатлик фаолияти бу — фақат қонунлар қабул қилиш эмас, балки муаммоларни ешитиш, ечим топиш ва масъулиятни ҳис этишдан иборат. Ушбу қарор мазкур тамойилларга тўлиқ мос келиб, уларни молиявий ҳал қилишга ваколат бериш орқали партияимизнинг дастури мақсадларини ҳаётга татбиқ этади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, энди сайловчилар нафақат овоз беради, балки ташаббус кўрсатади, лойиҳа тақлиф қилади ва уни амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этади. “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали лойиҳаларнинг расмийлаштирилиши эса депутат ва аҳоли ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу халқ ва давлат ўртасидаги ишончни кучайтириш, аҳолининг давлат бошқарувидаги иштироки, жойлардаги ресурсларни мақсадли ва самарали йўналтиришга қаратилган илгор ислохотдир. Шу маънода, бу қарор фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим сиёсий янги механизм ҳисобланади.

Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир депутат ўз округидаги аҳолининг ҳаётига таъсир этувчи, овоз беришда ғолиб бўлмаган, лекин долзарб саналган лойиҳаларни ҳам молиялаштириш учун маблағларга эга бўлади. Бундай ёндашув — адолат, самарадорлик ва халқарварлик мезонларига асосланган давлат сиёсатининг яққол кўриниши ҳисобланади.

Фракциямиз мазкур қарорни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва барча даражадаги депутатларимизни унинг имкониятларидан оқилона ва масъулият билан фойдаланишга, халқ манфаати йўлида самарали хизмат қилишга даъват этади.

Дилноза АЗИЗОВА, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу қарорнинг асосий мақсади — аҳолининг ўз ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларни белгилашдаги иштирокини кенгайтириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланиш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришдан иборатдир.

Эндиликда фуқароларнинг тақлифлари орқали шаклландирилган ташаббусли бюджет жараёни янада қулай ва тезкор бўлади. Яъни онлайн овоз бериш соддалаштирилади, ҳар бир лойиҳа бўйича молиялаштириш тартиби очик-ойдин белгиланади, давлат органлари ҳисобдорлиги кучайтирилади, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари аниқ ҳисобга олинади.

Бу жараён фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтиради ва уларнинг салоҳиятини ҳудудий ривожланиш ҳаракатларига йўналтиради.

Ташаббусли бюджет — бу фақат молиявий механизм эмас, балки ҳар бир фуқарода ўз ҳудудининг тақдирига дахлдорлик ҳиссини оширадиган ислохотдир. У орқали аҳоли нафақат ижтимоий соҳада, балки давлат бошқаруви жараёнларида ҳам фаол иштирок этувчи асосий кучга айланади.

Аҳоли ўз овози билан йўллар таъмирланиши, маҳалла марказлари қурилиши, боғча ва мактабларни жиҳозлаш каби лойиҳаларни амалга оширишда бевосита иштирок этади. Бу эса аҳоли турмуш шароитини яхшилаш билан бирга, фуқароларда масъулият ва фаоллиқни ҳам оширади.

Зухриддин МАВЛОНОВ, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз қарори депутатлар учун катта имконият ва айни чоғда улкан масъулият ҳамдир. Ўзини депутат энди ўз ҳудудидаги энг долзарб муаммолар учун тўғридан-тўғри жавоб берадиган, курашадиган ва амалий натижа кўрсатадиган етакчига айланади, дегани. Бу янги сиёсий фаолият босқичи сифатида нафақат давлат бошқарувини, балки халқ билан мулоқотни ҳам тубдан ўзгартиради. Бу ҳар бир тақлиф эътиборсиз қолмаслигини аниглайди.

Ушбу қарор мамлакатимизда олиб борилаётган очиклик ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш сиёсатининг ман-

тиқий давоми сифатида, депутатларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш ва уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Депутатларни сайловчилар билан баҳамти ишлашга, уларнинг дардини тинглашга, ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлашга ундайди. Ғолиб бўлмаган, лекин жуда зарур лойиҳаларни танлаш эса депутатларнинг сиёсий фаоллиги ва масъулиятини янада кучайтиради.

Қарордаги янгилıklarдан бири — аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш тизимининг жорий этилишидир. Эндиликда, агар бирор лойиҳа қийматининг 50 фоизини аҳоли ихтиёрий равишда молиялаштиради, қолган 50 фоизи автоматик тарзда республика бюджетидан қопланади ва бу лойиҳа ғолиб деб топилади. Бу эса фуқароларимизни ўз келажагига янада фаол ҳисса қўшишга чорлайди. Маҳалладаги йўл, болалар боғчаси ёки спорт майдончаси қурилиши учун ҳар ким ўз имкониятидан келиб чиқиб ҳисса қўшса, давлат уни икки баравар қўпайтириб беради. Бу ҳақиқий халқчил қарордир.

Бундан ташқари, қарор билан келгусида депутатлик ваколатлари сезиларли даражада кенгайётгани эътиборга молик. Шунингдек, “Очиқ бюджет” порталида депутатлар томонидан танланган лойиҳалар учун алоҳида саҳифа очилади, бу эса жараённинг кенг жамоатчилик учун очик бўлишини кафолатлайди.

Айтмоқчимизки, ушбу қарор депутатлик институтининг масъулиятини ошириш билан бир қаторда “Ташаббусли бюджет”ни чинакам халқ ва давлат ўртасидаги ишонч ҳамда ҳамкорлик кўпригига айлантиради.

Дилбар МАМАЖОНОВА, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз қарорига кўра, эндиликда Қонунчилик палатасида “Ташаббусли бюджет” жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш учун 11 нафар депутатдан иборат Парламент комиссияси ташкил этилади.

2026 йил 1 январдан депутатлар ҳар йили “Ташаббусли бюджет” жараёнларида тегишли сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан аҳолининг кундалик ҳаёти ва ҳудудни ривожлантиришга таъсир қиладиган иккита лойиҳани (ҳар мавсумда 1 тадан) “Очиқ бюджет” ахборот порталида танлайди. Бу эса аҳолини бугунги кунда қийнаб келаятган аниқ бир муаммага ечим топиш имкониятини беради.

Шунингдек, бу депутатнинг ўз сайловчиси олдидаги масъулиятини оширади ва танлов жараёнларига ҳолисона ёндашиш ҳамда муаммолар ҳал этилишига йўл очади.

Порталда депутат ташаббуси асосида молиялаштирилаётган лойиҳалар учун алоҳида саҳифа ташкил этилиб, шу турдаги барча лойиҳаларнинг жамоатчилик учун очик бўлиши юритилади.

Ушбу танлов лойиҳани республика бюджетидан молиялаштириш учун асос ҳисобланади. Мазкур жараёнларда ғолиб

бўлмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳар бир депутатга 1 йилда 2 мавсумга БХМнинг 8 минг баробари миқдорда маблағ ҳар йилги республика бюджетидан назарда тутилади.

Шунингдек, қарор билан 2026 йил 1 февралдан “Ташаббусли бюджет” жараёнларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш амалиёти жорий этилади.

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб, баъзи лойиҳалар сўнгги мавсумларда кетма-кет икки маротаба ғолиб бўлган бўлса-да, навбатдаги икки мавсумда қатнашиши чекланмайди.

Бу имконият бугунги кун депутатининг ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини ошириш билан бирга, депутатга бўлган ишонч ортишига ҳам сабаб бўлади.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштиришга оид қарор, аввало, халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, ҳудудларда ижтимоий масалаларнинг ечимини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бу ҳужжат депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотини янада кучайтириш, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Қарорда белгиланганидек, депутатлар ҳар йили ўз сайлов округларида ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида ғолиб бўлмаган, аммо аҳолининг кундалик турмушига ва ҳудуд ривожига бевосита таъсир кўрсатадиган икки лойиҳани “Очиқ бюджет” портали орқали танлаш имкониятига эга бўлади.

Қарорга кўра, депутат ташаббуси асосида молиялаштирилаётган лойиҳалар учун портал ичида алоҳида саҳифа ташкил этилиб, мазкур йўналишдаги барча лойиҳаларнинг жамоатчиликка очик бўлиши юритилади. Бу эса аҳоли тақлифларининг ошкоралик асосида амалга оширилишига замин тайёрлайди.

Ташаббусли бюджет лойиҳаларини аҳолининг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиқиб шакллантириш, уларни давлат билан шериклик асосида молиялаштириш тартибининг жорий этилиши ижтимоий адолат ва очиклиқни таъминлайди.

Албатта, мазкур имкониятлар, аввало, аҳолининг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини тўғридан-тўғри амалга оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, депутатлар ўз сайловчилари билан янада яқинроқ мулоқотда бўлиб, улар тақлиф қилган лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши учун масъулиятни зиммасига олади.

Умуман, қарорда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш белгилангани, булар ҳудудларни обodonлаштириш, яшил боғлар барпо қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

Маблағларнинг қай даражада мақсадли йўналтирилганига эътибор қаратилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида қўмита аъзолари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида барча соҳаларни рақамлаштириш бўйича харажатлар учун Давлат бюджетидан, айниқса, ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш, рақамли хизматларни ишлаб чиқиш, мавжуд тизимларни модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, IT сертификатларига эга ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, соҳаларда инновацияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион маблағларнинг қай даражада мақсадли йўналтирилгани масалаларига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда унинг таркибидagi бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотларга ҳисобот даврида белгиланган мақсадлар учун Давлат бюджетидан 260 млрд. сўм маблағ ажратилган. Улар, асосан, TATY ва унинг олтита ҳудудий филиа-

ли, тўртта академик лицейи, TATY хузуридаги малака ошириш маркази, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти, Космик тадқиқот ва технологиялар агентлиги, шунингдек, ёшларнинг халқаро IT сертификатларини олиши бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун йўналтирилган.

Шунингдек, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида белгиланган мақсадлар учун Давлат бюджетидан инновацияларни, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш каби масалаларга 294,0 млрд. сўм ажратилгани ҳақида маълумотлар келтирилди.

Йиғилишда депутатлар Давлат бюджетининг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш, ажратилган маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланиш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини шакллантиришга келишиб олинди.

Давлат сармояси ўзлаштирилмаганига нима сабаб?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси атрофида муҳокама этилди.

Мажлисда ҳисобот даврида ижтимоий харажатлар учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг қай даражада мақсадли йўналтирилганига эътибор қаратилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш, айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ажратилган харажатлар диққат марказида бўлди.

Қўмита аъзолари айрим йўналишлар учун биринчи ярим йилликда режалаштирилган маблағлар ажратилган бўлса-да, амалда умуман ишлатилганми ёки қисман ишлатилганига изоҳ сўради. Бу бўйича аниқ мисоллар келтирилди.

Шунингдек, ҳисоботда соҳага ажратилган бюджет маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилмаслиги сабаблари етарли даражада асослантирилмагани танқид қилинди.

Йиғилишда Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг жорий йилдаги харажатлари 485,6 млрд. сўмга режалаштирилган бўлиб,

ҳисобот давридаги ижроси 27,6 млрд. сўм ёки 5,7 фоизни ташкил этгани, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига эса жорий йилдаги харажатлар режаси 1 809,3 млрд. сўмга режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида унинг ижроси 285,2 млрд. сўм (15,8 фоиз)га бахарилиши муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида қўмита аъзолари кейинги ҳисоботларда жамғармаларнинг даромадлари ва харажатларининг режа кўрсаткичларини, шунингдек, ушбу харажатлардан қуттилган ёки эришилган натижалар ҳамда ўзгаришлар динамикаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши ҳақида тақлифлар берди.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси Қонунчилик палатасининг бошқа қўмиталарида ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Кўҳна Бухорода санъат биенналеси бошланди

Йўл ва йўлақлар таъмирланди, оқова сув тизими янгиланди. Тарихий ёдгорликлар реставрация қилинди. У ёки бу манзилга етиб боришни осонлаштириш мақсадида маҳсул белгилар ўрнатилди.

— Юртимизда санъат ва маданият равнақига жуда катта эътибор қаратилляпти, — дейди таниқли миниатюрча рассом, “Шуҳрат” медали соҳиби Давлат Тошев. — Давлатимиз раҳбарининг “Халқаро замонавий санъат биенналесини юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу фикр тасдиғидир. Унга мувофиқ, бу йирик тадбир ҳар икки йилда ўтказилади. Биенналенинг асосий мақсадларидан бири юртимизда замонавий ва амалий санъатни, хунармандчилиқни қўллаб-қувватлаш эканлиги алоҳида қайд этилган. Бундан биз, халқ амалий санъати усталари бениҳоя хурсандимиз. Мазкур тадбир бебаҳо санъатимизни дунёга кенг танитишда, кўҳна Бухоронинг нуфузини янада оширишда қўл келади, албатта.

Миниатюрча рассом ҳақ — хорижий меҳмонларнинг миллий кадриятларимиз, тарихимиз, санъатимизга қизиқиши бениҳоя катта. Буни уларнинг қўл меҳнатига асосланган халқ амалий санъати асарларини кўнун ва синчковлик билан қузатиб, бажонидил харид қилишидан ҳам билиш мумкин. Айримлари ҳатто

бу санъат сирларини ўрганиш мақсадида таниқли усталардан, жумладан, Д. Тошевдан ҳам маҳорат сабоқлари олишаётир.

Давроке, биз миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш фидойиси саналган Давлат ака билан “Говкушон” мадрасасида қисқача суҳбатлашдик. Бу ерда у биеннале дастури доирасида мактаб ёшидаги шогирдлари билан “абри баҳор” санъати бўйича машғулот ўтказди. “Абри баҳор” ибораси “Баҳор булутлари” маъносини беради. Ватани Бухорои шариф саналди. Ундаги мафтункор, ўз навбатида, кишини мушоадага чорловчи манзаралар махсус тайёрланган бўёқлар ва сув воситасида қозоғга туширилади. Бу камбў ва нозик санъат усули кейинчалик Эрон ва Туркияда ҳам кенг ёйилган. Замона заили билан бу усул юртимизда унутилмаёган эди. Истиқлол йилларида мусавирларимиз томонидан қайта тикланди.

Бевосита биенналега тўхталадиган бўлсак, у шу йилнинг 20 ноябригача давом этади. Тадбирга турли давлатлардан маданият ва санъат вакиллари, мусаввирлар, хунарманлар келишмоқда. 70 дан зиёд маҳаллий ва халқаро ижодкорлар бирин-кетин тадбир учун танлаб олинган маданий мерос иншоотларида ўзининг махсус лойиҳаларини намоийш этишга киришди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Жорий йилги мактаб битирувчиларининг олий таълимга кириш имтиҳонларида максимал баллни эгаллаш кўрсаткичи 5 баробар ошган.

ФАОЛ, САМАРАЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИШЛАШ ИМКОНИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон олий таълим тизими тубдан янгиланмоқда. Сўнгги етти йилда қамров 9 фоиздан 42 фоизга ошгани туб ўзгариш. Бироқ бугунги глобал меҳнат бозорида таълим сифати ва битирувчилар бандлиги масаласи нафақат миллий, балки халқаро миқёсда стратегик аҳамият касб этади.

Нуктаи назар

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган олий ўқув юрти битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича кенгайтирилган битирувчилар малакаси тизими ёндашувни белгилаб берди. Бу йиғилишда муаммолар кўрсатилбигина қолмай, уларни бартараф этиш учун замонавий, аниқ ва рақамлар билан ўлчанадиган механизмлар ҳам таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирда қўллаб соҳаларда иш берувчининг талаблари билан битирувчилар малакаси ўртасида сезиларли тафовут бор. Масалан, енгил sanoatда 2,5 минг нафар мутахассис тайёрланса-да, уларнинг қарийб 42 фоизи замонавий технологияларни билмагани учун ишга кира олмайдди.

Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, битирувчилар бандлиги масаласи ҳар бир ривожланган дав-



латда стратегик даражада ҳал этилади. Германиянинг “Dual education” тизими орқали талабалар ўқув вақтининг 50 фоизини корхоналарда амалиёт ўтказишга сарфлайди. Натижада битирувчилар бандлик даражаси 90 фоиздан ошади. Тан олиш керак, бизда шу вақтга қадар бундай тизим мавжуд эмас эди. Талабаларга амалий машғулотлар корхонада, назарий тайёргарлик эса касб-ҳунар мактабидеки тегишли ўқув муассасасида олиб борилади. Президент томонидан берил-

ган янги ваколатлар биз, олийгоҳ раҳбарларига, битирувчиларимизнинг бандлигини таъминлаш бўйича янада фаол, тизимли ва инновацион ишлаш имконини яратади. Шу асосда биз институтда қуйдаги амалий чораларни кўрамиз:

“Тил + Касб” модели — талабалар нафақат хорижий тил, балки унга боғлиқ аниқ касбий йўналиш (IT, туризм, халқаро ҳуқуқ, дипломатия) бўйича параллел таълим олади. Хорижий амалиёт квоталари — Германия, Туркия, Жанубий Корея, Япония каби давлатлардаги ҳамкор корхоналарда ёзги амалиёт ўтказиш бўйича келишувлар. Бу тизим битирувчини халқаро меҳнат бозорида ҳам рақобатбардош қилади.

Ўз стартапини яратган битирувчини қўллаб-қувватлаш, институт инкубатори орқали грант, менторлик ва офис инфра-тузилмаси билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

Таъкидлаш керакки, “Битирувчи — иш берувчи” электрон платформаси яратилиши кўп енгилликларни тақдим этади. Ҳар бир битирувчининг малака ва тил билиш даражаси, тажрибаси, қизиқш соҳаси бўйича шахсий про-

фили яратилади. Иш берувчилар ушбу базадан бево-сита фойдаланиб, номзодлар билан боғланиш имкониятига эга бўлади.

Соҳага мос стажировкалар тизими ҳам йўлга қўйилади. Ўқишнинг охириги йилида талабалар камиди 3 ой давомида ўз мутахассислиги бўйича реал иш муҳитида тажриба орттиради. Бу жараёнда вилоятдаги мактаблар, ўқув марказлари, туризм ва таржимонлик фирмалари ҳамкорлик қилади.

Бундан ташқари, тил мутахассисларининг экспортбоп хизматлари ҳам инobatга олинмоқда. Яъни чет тилларини билиш бўйича кучли талабалар таржима, онлайн таълим ва маданиятлараро мулоқот хизматларини экспорт қилиш имконига эга бўлишади. Бунинг учун институтда махсус марказ ҳам ташкил этилади. Эндиликда хорижий таълим ва иш бозорига чиқши йўллари ҳам кенгайди.

Умуман, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган янги механизмлар олий таълим ҳамда иқтисодиёт ўртасида мустаҳкам кўприк қуриш, ёшларнинг кела-



жагини қафолатлаш йўлида муҳим босқичдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитиш жараёнини реал сектор билан интеграция қилган мамлакатларда битирувчилар бандлиги 90 фоиздан юқори. Биз ҳам ўзимизга хос “Ўзбекистон модели”ни яратиш йўлидамыз.

Андижон давлат чет тиллари институти ҳам мазкур жараёнларда илғор хорижий тажриба, инновацион ғоялар ва амалий механизмларни уйғунлаштириб, ёшларимизни нафақат иш билан, кенгроқ маънода айтганда, келажак билан таъминлашга интилади. Бунинг учун барча имкониятларимиз, салоҳиятимиз етарли.

Дилшодбек РУСТАМОВ,
Андижон давлат чет тиллари институти ректори.



ТАРВУЗ БОЗОРИНИ

ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ МАСКАНИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

— Ҳар йили шу — галлага ўроқ тушган, фермер билан гаплашиб, тарвуз-қовун экишга тушаман. Масалан, бу йил 5 гектарлик пайкални 60 млн. сўмга ижарага олдим — саратоннинг бошидан кеч кузгача. Уч гектари арпанинг ўрнига экилган тарвуз эди, эрта етилди. Биринчи ҳосилдаёқ 20 мингта тарвуз уздим. Донасини 18 минг сўмдан пулладим. Шунинг ўзи 360 млн. сўмдан ошди.

Энди хом-чўт қилайлик: уруғликка 2,5 млн., ерни бир марта ҳайдаш экинга уч қарра минерал ўғит, суспензия сегишга 15 млн., иш ҳақига 5 млн. сўм кетди. Хуллас, сарф 82,5 млн. сўм, бунга қутилмаган харажатларни қўшган тақдирда ҳам, жами 90 млн. сўм сарфладик, дейлик. Ҳали тарвуз ҳосилининг иккинчи ва учинчи узмиши бор, буям камиди 300 млн. сўм даромад келтиради. Агар кузини берса, 2 гектардаги тарвузним ҳам пишади ва жами даромад 1 млрд. сўмдан ошади. Ана шунда мендан ўтадиган деҳқон бўлмайди Арнасойнинг Бўстон қишлоғида!

— Сиз-ку ерни ижарага олиб деҳқончилик қилаяпсиз, фермерларнинг ўзи ҳам тарвуз-қовун экканми?

— Эҳкан, аммо камроқ. Энди афсус қилаяпти, кўпроқ эксам бўларкан, деяпти. Чунки ўтган йилгидан фарқли равишда бу йил тарвуз-қовуннинг бозори чаққон бўлди-да.

— Сув қандай, етарлими?..

— Ҳамма гап шунда-да, сув тақчил, айрим пайкалларга сув етиб бормайди. Бўлмасам, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча ер бор Арнасойда, қани энди галладан бўшаган жойларнинг ҳаммасига экин экилсайди. Кўпчилик ўтган йили тарвузни ҳеч ким сўрамай қўйгани, оқибатда деҳқонлар катта зарар кўргани боис бу йил қўл силташди. Биз эса эдик, Асқар акам билан шерик бўлдим, таваккал дея тақрорий экинга куч бердик. Қаранг, бизнинг пайкалда бирорта бегона ўт йўқ, сўйилган палак ҳам учрамайди. Чунки ерга уруғ тушгандан бери кўрпа-тўшагим билан шу пайкал ўртасига чодир тикканман. Ўзим деҳқон, ўзим қоровул, чопиққа, бегона ўтни йўқотишга келган ишчиларга ошпазлик ҳам қиламан. Натижа кўриб турганингиздек зўр.

— Бу ҳудудни Бўстон маҳалласи дедигизми? Сир бўлмаса исмингиз...

— Аҳрор Баратов, аммо ҳамма Деҳқонбой дейди, ёш бўлсанг-да, тарвуз-қовун етиштиришга устасан, дейишади. Очиғи, экинга ишловим бошқалардан ортиқ эмас, аммо ерга меҳрим баланд.

— Тарвузни кўтарасига сотдим дедигиз, харидорлар шу ерликми?

— Ҳа, албатта. Сотиш уларгаям тирикчи-

лик-да. Айтайлик, мендан ҳозир килосини 2 минг сўм атрофида олса, “бетонка” бўйидаги бозорда икки яримга чиқариб пуллайди, базан Тошкентдан харидорлар келишади. У ёқларда тарвузнинг килоси 3 минг сўмдан баланд дейишади. Аслида бизга фарқи йўқ, харидор тўловни насия қилмаса бас. Нақди асал-да.

...Арнасойдан қайтар чоғ Аҳрор Баратов тилга олган “М-39” автомобиль йўлининг бўйидаги қовун-тарвуз бозорига назар ташладик. Сотувчи кўп, харидор ҳам оз эмас, аммо маҳсулотнинг сифатига жавоб берадиган мутахассис ҳам, унинг ишхонаси ҳам йўқ. Бозор дегани устигана ёпиқ ҳолдаги рассталардан иборат, хилос. Терминал, банк картаси деган нарсаларни на сотувчилар, на харидорлар билади. Нақд пулим йўқ-да, десангиз “клик” қиворинг, дейишади. Туну кун одам тинмайдиган ва доимо гавжум бўладиган бу бозорда чакана пул айланмайди. Энди савол туғилади: нега бу пул банкдан ташқарида, солиғи тўланмасдан қовун-тарвузлар устида думалаяпти?..

Агар чиройли ойнаванд дўконлар бунёд этилса, сотувчи махсус кийимда тўлиқ текширувдан ўтган қовун-тарвузларни харидорга таклиф этса, бу нархга таъсир қиладими? Бу — биринчи масала, масаланинг иккинчи томони шундаки, яхши шарт-шароит яратилса, мутасаддилар Оқолтин тумани қовун-тарвуз бозорига чет эллик сайёҳлару бизнесменларни ҳам таклиф этиши, келин-чакнинг гўшангасидек безатилган бозорда қовун сайли доимий ўтказилиши мумкин. Шу тариха биз юртимизнинг яна бир гўшасини гастронимик туризм масканига айлантирган бўлар эдик.

Меҳмонлар шу ернинг ўзида қовун қатори тарвузни ҳам тилимга ажратади, татиб кўради, сўнг мамнуний билан бошини чайқайдию харидорга айланади. Ўшанда давлат газнасига тушадиган мўмайгина солиқ салмоғи ҳам пайдо бўлади. Бундан давлат ҳам, тарвуз-қовун етиштириб дастурхонга қадар етказиб келаётган деҳқону уйдабурон кишилар ҳам бирдек манфаат топади. Шундай эмасми?..

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ФУТБОЛ хабарлари

УРУГВАЙ БИЛАН ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 13 октябрь кунини Жа-нубий Американинг кучли жа-моаларидан бири Уругвай билан ўртоқлик учрашуви ўтказ-ади.

Бу ҳақда Ўзбекистон футбол асо-сциацияси матбуот хизмати ха-бар берди.

Таъкидланишича, мазкур баҳс Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳри-да бўлиб ўтади. Ўзбекистон ва Уругвай терма жамоалари шу кун-гача ўзаро икки маротаба — 2018 ва 2019 йилларда яшил май-донда учрашиб, унинг ҳар иккиси-да уругвайликлар 3:0 ҳисобида галаба қозонган.

Бўлажак баҳс Т. Кападзе бош-чилигидаги Ўзбекистон терма жа-моаси учун 2026 йилда АҚШ, Мек-сика ва Канадада ўтказиладиган ФИФА жаҳон чемпионати таъйёр-гарлик жараёнида муҳим синов ва-зифасини бажаради. Ҳозирги кун-да Уругвай терма жамоасини ар-гентиналик тахрибали мутахассис Марсело Бьелса бошқармоқда.

ЙИРИК ҒАЛАБА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Келгуси йилда Саудия Арабистони яшил майдонларида уюштирила-диган футбол бўйича “U23” ёш тоифасидаги “Осиё кубоги — 2026” мусобақаси-га йўлланма берувчи саралаш баҳслари айни кунларда қўтамызининг 11 та мамлакатиде ўтказилмоқда.

Биз учун эътиборли бўлган “Е” гу-руҳидаги беллашуларга Қирғиз Рес-публикаси мезбонлик қилмоқда. Унда қатнашаётган Ўзбекистон “U23” тер-ма жамоаси Шри-Ланка вакиллари-ни 4:0 ҳисобида мағлуб этди. Голларни рақиб дарвозасига Умарали Раҳ-моналиев, Рустам Турдимуродов (2) ва Сардорбек Баҳромов киритди. Қир-ғизистон эса ўш майдонда Фалас-тинни 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. Шу тариха Равшан Ҳайдаров бошчи-лигидаги жамоамиз гуруҳда мезбон-лар билан бир хил — 3 очко жамгар-ди ва голлар нисбатига кўра, гуруҳ пешқадамига айланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Мамлакатимизда Маданий мерос агентлиги тизимидаги музей ва музей-қўриқхоналарда «Музейлар ҳафталиги» бўлиб ўтмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезатимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопийбаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезатимизнинг берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезатга тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезатимиз полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” напирет-матбаа акциядорлик компанияси масуль. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6



БОЛАЛАРГА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Буюк Британия Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлигининг маълумотига кўра, мамлакатда ҳар кунини 100 мингга яқин болалар энергетик ичимлик истеъмол қилади.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазир Уэс Стритинг бунга қарши шошилинч чоралар қабул қилиш кераклигини айтган. Чунки тадқиқотларда энергетик ичим-лик уйқу бузилиши, диққатнинг пасайиши ва семириш билан боғлиқ ҳолатларни келтириб чиқариши аниқланган. Шу боис ҳукуматнинг “Ўзгаришлар режаси” доирасида так-лиф этилаётган янги чоралар барча жойларда бу каби ичимликларни болаларга сотишни тақиққайди.

Ҳисоб-китобларга кўра, тақққ 40 мингга яқин болалар-да семиришнинг олдини олиши ва соғлиқ учун ўнлаб мил-лион фунт фойда келтириши мумкин. Таълим вазирини Брид-жет Филлипсон эса бу қарорни дарслардаги интизомни яхшилаш билан боғлаган. Таклиф ота-оналар, ўқитувчи-лар, тиббиёт мутахассислари ва фаоллар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

ПОЛЬША «G20»ГА ИНТИЛМОҚДА

Польша ташқи ишлар вазирини Радослав Сикорский 2026 йилда “Катта 20 талик”га раислик қиладиган АҚШга мурожаат этиб Польшани “G20”га таклиф қилишни сўради.

Бу ҳақда “TVP World” телеканалда хабар берилди.

Ташқи ишлар вазирининг журналистларга айтишича, у Майамидеги музокаралар чоғида АҚШ давлат қотиби Мар-ко Рубио билан бу масалани муҳокама қилган. Унинг фик-рича, Польшада “G20”га қўшилиш учун етарли асослар бор. Аввалроқ мамлакат бош вазирини Дональд Туск Польша “триллионер давлат”га айлангани (ЯИМ 1 трлн. доллар-дан ошгани)ни эълон қилди.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, 2025 йилда Польша ялпи ички маҳсулоти 980 млрд. дол-лар атрофида бўлади.

ЎРМОНЛАРНИНГ КЕСИЛИШИ МИНГЛАБ ИНСОННИНГ ЎЛИМИГА САБАБ БЎЛАЁТИР

“Nature Climate Change” журналида эълон қилинган тадқиқотдан маълум бўлишича, ўрмонларнинг кесилиши Амазонка, Конго ва Жануби-Шарқий Осиёда ҳароратни ошираётгани аниқланди.

Бевосита қурбонлар сони ҳисоблаб чиқилган ушбу илк тадқиқотда айтилишича, 2001 йилдан 2020 йилгача қарийб 345 млн. киши локал исси оқибатларини бошдан кечир-ган. Ўртача ҳисобда ўрмонларнинг кесилиши ҳар йили 28,3 минг кишининг ўлимига сабаб бўлган.

Лидс университети профессори Доминик Спракленнинг таъкидлашича, тропик ўрмонларни асраш инсонлар ҳаёти-ни сақлаб қолади ва кишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувват-лайди. Чунки ўрмонлар ҳароратни тартибга солади, ёмғир олиб келади ва маҳаллий аҳолининг озик-овқат хавфсиз-лигини таъминлайди.

ДУНЁДА МАКТАБГА БОРМАЙДИГАН БОЛАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

БМТ Болалар жамғармаси ўтказган тадқиқотда таъкидланишича, 2026 йил охирига бориб мактабга бормайдиган болалар сони тахминан 6 миллионга кўпаяди. Шу тариха бу кўрсаткич жаҳон бўйича 278 миллионга етади.

Тахлилларга кўра, бунинг асосий сабаби таълимга аж-ратилган расмий ривожланиш ёрдами ҳажмининг 3,2 млрд. долларга камайиши бўлиб, бу 2023 йилдаги нисбатан 24 фоизни ташкил этади. Энг катта зарба Фарбий ва Мар-казий Африка мамлакатларига тушади — бу ерда 1,9 млн. бола таълимсиз қолиш хавфи остида турибди. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада яна 1,4 миллион бола мактабга қамровдан четда қолиши мумкин.

Ташкилот халқаро ҳамжамиятнинг зудлик билан чоралар кўришга чақириб, энг кам ривожланган мамлакатлар учун молиялаштириш улушини ошириш, гуманитар инкирозлар шароитида таълим дастурларини ҳимоя қилиш, шу-нингдек, ресурсларни асосий ва бошланғич таълимга йўналтириш зарурлигини билдирган.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.